

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2013 йил  
12 октябрь  
ШАНБА  
№ 82 (12614)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Пахта – 2013

## ҚИРҚ ЦЕНТНЕРЧИ ФЕРМЕР

– Кечагидек эсимда. Олимлар, мутахассислар, умуман, пахтачилик даргалари: "Биринчи теримда режани 80 фоизга етказган хўжалик давлатга пахта сотиш топширини албатта бажаради" дейишарди. Айрим хўжаликлар буни амалда ишботларди. Ҳатто, 40-50 центнерчи бригадалар кўларга кўтариб мақталарди.

Бугун эмон ўзгарди. Энди экин майдонлари қишлоқ мулкдорлари қўлида. Айрим тажрибали фермерлар биринчи теримда 80 фоиз эмас, 120 фоиз натижага эришмоқдалар. Айнан шулар биринчи теримдаёқ ҳосилдорликни 32-35 центнерга етказишарди. Улар орасидан ҳақиқий 40-50 центнерчилар етишиб чиқаяпти.

Юқори Чирчиқ туманидаги "Нурбек Исроилов" фермер хўжалиги раҳбари Ергали Қорабоев шу гапларни айтди-ю, аммо ўзи ҳам аллақачон ўша юқори ҳосилли фермерлар сафига қўшилганини тилга олмади. Биз буни хўжаликда йилгим-теримнинг бугунги аҳолини таҳлил қилиб билиб олдик.

Хўжалик бу йил 24 гектар ерда пахта етиштирди. Ён-атрофдаги аҳоли бундай мўл ҳосилни ҳали кўрмаган эди, десак лоф бўлмайд.

– Ғуза шундай ўсимликки, то шоналаш даврига

етиб олгунча, худди чақалоқнинг ўзи, – дейди фермер. – Жуда нозик, нимжон. Ҳар кун эмас, ҳар соатда қараб, пайпаслаб туриш керак. Бундан эринманганлар кўзда баланд хирмон уюши аниқ. Негаки, ғуза шигил шоналаб гулга кирдим, у ёғига ривож кескин тезлашади, кучга тўлиб, ҳосилга зўр беради. Биз биринчи теримни олти иш кунинда якунлаб, ҳосилдорликни 30 центнердан оширганамизнинг асосий сабаби шунда. Демак, шартнома мажбурияти биринчи теримнинг ўзида қарийб 110 фоиз қилиб бажарилди.

Иккинчи теримга ҳали қўл урилгани йўқ. Фермернинг айтишича, далада камида 25-30 тонна пахта бор. Демак, якуний ҳосилдорлик 40 центнердан ошади.

СУРАТДА: фермер Ергали Қорабоев меҳнати самарасидан хурсанд.

Даврон АХМАД олган сурат.



Қарор ва ижро

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёз ва енгилликлар бериш, қўлай шарт-шароит ва ишбилармонлик муҳити яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

## ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 8 августда қабул қилинган "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори мамлакатимизда бизнес муҳитини яхшилашга қаратилган улкан эътиборнинг яна бир амалий ифодаси бўлди.

Вилоят ҳокимлигида ўтказилган йилгиликда ушбу ҳужжатга биноан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг асосий мақсад ва вазифалари ҳусусида сўз юритилди.

Мазкур жамғарма кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда фермер хўжаликларига хизмат кўрсатади ва ёрдам беради. Аини пайтда ташқи бозорларнинг чуқур маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини тизимли асосда таҳлил қилиш, уларнинг ташқи бозордаги рақобатбардошлик даражаси ва экспорт қилиш имкониятларини аниқлаш, тегишли маълумотлар базасини шакллантириш, экспортга ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг жаҳон бозоридида талаб ва эҳтиёжга

мос келишини таъминлаш ушбу жамғарма фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулотларини ташқи бозорга олиб чиқиш, харидор топиш, шартномаларни тайёрлаш ва тузиш, экспорт операцияларини амалга ошириш, экспорт қилувчиларни эҳтимол тутилган хавф-хатарлардан ишончли химоя қилиш, хорижий мамлакатларнинг қонунийлиги бўйича талаб этиладиган зарур лицензиялар, сертификат ва бошқа рухсатномалар олиш, йилгиларни тўлашда юридик, молиявий ва ташкилий хизматлар кўрсатиш ҳам жамғарма вазифасига қиради. Шунингдек, жамғарма мамлакатимиз хусусий секторининг ҳалқаро тендер савдоларида, чет элларда ўтказиладиган кўрсаткич субъектлари ҳамда фермер хўжаликларига хизмат кўрсатади ва ёрдам беради. Аини пайтда ташқи бозорларнинг чуқур маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини тизимли асосда таҳлил қилиш, уларнинг ташқи бозордаги рақобатбардошлик даражаси ва экспорт қилиш имкониятларини аниқлаш, тегишли маълумотлар базасини шакллантириш, экспортга ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг жаҳон бозоридида талаб ва эҳтиёжга

Семинар

## УЛАР ЖАМИЯТ ҲАЁТИДА ФАОЛ



Ногиронлар билан ишлаш вазифасига бевосита алоқадор халқ таълими муассасалари, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий химоялаш марказлари ходимлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда Тошкент шаҳри ва вилоятдаги оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган тадбир катнашчилари ногиронларга кўмаклашишга оид устувор вазифаларни қизғин муҳокама қилдилар.

– Бизнинг "Опа-сингиллар" жамиятимиз ва республикада иштирок этган касб-хўнара коллежи яқинда Олий Махлис қошидаги нодавлат нотижорат ташки-

лотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси грантига сазовор бўлди, – дейди Полотнова. – "Касбга эга бўлиш – муносиб ҳаётга йўл" лойиҳасининг моҳият-мақсади пойтахт ҳамда Тошкент вилояти оммавий ахборот воситаларида тарғибот-ташвиқот олиб бориш, давра суҳбатлари ташкил этиб, ногиронлар ва имконияти чекланган болалар бор аёлларга уларнинг фарзандлари у ёки бу касбни эгаллашлари учун ҳамма имконият борилигини тушуниришдан иборат. Семинар давомида иш-

Пойтахтдаги имконияти чекланганлар учун иқтисослаштирилган республика касб-хўнара коллежида Қибрай тумани ногирон аёлларнинг "Опа-сингиллар" жамияти иштирокчида "Ногиронларни англашнинг ижтимоий модели" мавзусида семинар ташкил этилди.



тирокчилар коллеждаги шарт-шароитлар билан бирма-бир таъминландилар. Бу ерда ўқувчиларнинг коллеж ҳудудида эмин-эркин ҳаракатланишлари ва ҳар томонлама мукамал билим ва тарбия олишлари учун ҳамма имкониятлар яратиб қўйилган. Коллеж жамоаси ўқувчиларга етти йўналишда касб-хўнара ўргатиш билан бир вақтда битирувчи ногирон ёшларнинг ишга жойлаштирилиши масаласига ҳам

жиддий эътибор қаратмоқда. Битирувчиларни ишга қабул қилиш юзасидан корхона ва ташкилотлар билан уч томонлама шартномалар тузилиб, ижроси таъминланишига ҳаракат қилишади. Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

## МАҲАЛЛАЛАРГА КОМПЬЮТЕР

Бўстонлик тумани "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими маҳалла фуқаролар йиғинларига 10 та компьютер топширди.

Шунингдек, энг намунали ва фаол деб топилган Парвос қишлоқ фуқаролар йиғинига янги мебель жамлама берилди.

Тадбир давомида тумандаги икки ёш оилага тўёна сифатида фонднинг моддий кўмак тарзидаги совғалари ҳам тақдим этилди.

Юлдуз ФАЗЛИЕВА.

## ҚИШГА ЗАХИРА ЯРАТИЛМОҚДА

Юртимизнинг барча ҳудудларида бўлган каби Тошкент вилоятида ҳам 2013-2014 йиллар қиш-баҳор ойлари учун мева-сабзавот маҳсулотлари захирасини яратишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Вилоят ҳокимлигининг иқтисодийёт бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Жамшид Машраповнинг айтишича, жорий мавсум учун вилоят бўйича 72 миң тонна мева-сабзавот, картошка, пивз, сабзи ва бошқа асосий турдаги маҳсулотларни турғаш белгиланган. 1 октябрдан 12 миң беш юз тоннадан ортиқ ана шундай маҳсулот жамғарилган. Бу борадаги ишлар изчил давом этмоқда.

Вилоятда йилгил-териб олинган мева-сабзавотларни сифатли сақлаш бўлими бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Мавжуд замонавий совутиш камераларидан самарали фойдаланиш имконияти кенгайтирилиб, янги турдаги қуриш, эскиларини реконструкция қилиш ишлари олиб борилаётган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелда қабул қилинган "2011-2015 йиллар даврида мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашнинг моддий-техник базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим омил бўлмоқда. Ушбу ҳужжатга мувофиқ,

вилоятда ўтган даврда бир неча совутиш камераси таъмирланди, янги турда ишга туширилди. Жумладан, 2012 йили Янгийўл, Оҳангарон, Юқори Чирчиқ туманлари ва Чирчиқ шаҳрида маҳсулот сизими тўрт миң тоннани ташкил этадиган бешта янги совутиш камераси қурилди. Паркент тумани ва Ангрэн шаҳрида сизими бир миң беш тонналик иккита совутиш модернизация қилинди. Бундай камераларда сақланган маҳсулотнинг сифати бузилмайдиган, мева-сабзавот таркибидagi витаминлар йўқолмайди.

Айни кунларда вилоятда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган ўттиз тўққизта шундай совутиш бўлиби, уларнинг маҳсулот сизими қарийб 32 миң тоннани ташкил этади. Ў.А.

Қишлоқ мулкдори

## ЯНГИ ГУЗАРДА ТҮЙХОНА

Янгийўл туманидаги "Исламбек барак" йил сайин ривожланиб, юртимиз фаровонлигига муносиб ҳисса қўшаётган фермер хўжаликларидан.

Фермер Рустамбек Ҳамробеков 2002 йили яшири ниятлар билан Эски Қовунчи қишлоғи ҳудудида 58 гектар ерни тендер асосида олиб, ўшандан буён пахта ва галладан юқори ҳосилдорликка эришиб келаяпти. Шунга яраша даромад ҳам ўсиб, хўжалик иқтисодий жиҳатдан юксалиб борди. Қўллаб-қувватлаш воситалари харид қилинди. Ҳозир хўжаликда битта ҳайдов, иккита чопик, иккита транспорт трактори бор. Экин майдони 118 гектарга етди.

Бу йил фермер хўжалиги давлатга шартномадаги 246 тонна ўрнига 290 тоннадан ортиқ дон сотди. Гектаридан 62 центнердан ҳосил олиниб, ортиган галла хўжалик аъзоларига тарқатилди.

Фермер 2012 йилги даромаддан қишлоқ марказида аҳолига савдо хизмати кўрсатувчи "Умрзоқ ота" гузарини қурган эди. 2013 йилги даромади ҳисобидан эса 400 ўринли тўй-тантаналар саройи қуришни бошлаб юборди. Дарвоқе, хўжаликнинг 0,6 гектар майдондаги иссиқхонадан келаятган даромад ҳам шу ишда асқотаяпти.

Аҳмаджон РИХСИБОВ.

Учрашув

Зангиота туманидаги 27-умумтаълим мактабида ўтказилган учрашув республика Президентининг "Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак" рисоласи муҳокама қилинди.

## ДУНЁҚАРАШНИ КЕНГАЙТИРАДИ

Унда туман бош имом хатиб вазифасини бажарувчи Нурали Мавлонов, "Хўжамозор", "Эски қалъа" ва "Ўрта" маҳаллалари фаоллари, маслаҳатчилари иштирок этишди. – Бу рисола ўқувчиларни халқаро майдонда рўй бераётган воқеалар билан таништириш ҳамда дунёқарашни кенгайтиришга ёрдам беради, – деди мактаб раҳбари С. Носирова. Феруза ТҮРАЕВА.

Яна тўловлар ҳақида

## ҲАҚИГА ОҒРИНСАНГИЗ, ЧИРОҚСИЗ ЎТИРИНГ!

Тасаввур қилайлик. Кечқурун чироқ ўчиб қолди. Уй ичию ҳовлининг зимистон. Дилингиз хуфтон. Ўнта шам ёқиб қўйсангиз ҳам кунлигинг ёришмайди. Чунки, ҳар нарсанинг ўз ўрни, вазифаси бор. Шамнинг хира ёруғида қидирган нарсани

ғизни бир амаллаб топарсиз. Лекин, телевизор кўролмайсиз. То чироқ ёнгунча, сериалингиз ўтиб кетса, шундай алам қиладики... Бу ҳам майлику-я, бирор кийимингизга шу пайтда дазмол босиш зарур бўлиб қолсачи?..

Хуллас, электр чироғининг қадри беқиёс. Унинг қадрига етиш эса инсоний бурчдир. Шунга қарамай, электр қувватининг нури ёқадиган, бирок пули чақадиган истеъмолчилар ҳам йўқ эмас. Айниқса, ўзига тўқ, ҳеч нарсага зорикмайдиган, раҳбар лавозимларда ишлайдиган истеъмолчиларнинг фойдаланилган электр қуввати ҳақини тўлашдан қочиб, қарзга ботиб бораётганларига нима дейсиз? Электр қуввати гойибдан

пайдо бўлмайди. Ўнлаб катта-кичик электр станциялар тўхтовсиз ишлаб турибди. Мингларча нурчамакчаю кундуз хизматда. Янги уй-жойлар қуриляпти. Янги-янги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иш бошлаяпти. Қолаверса, мамлакатда намунали турар жойлар қуриш кенг кўламда авж олиб, бутун бошли маҳаллалар бунёдга келаяпти. Уларнинг ҳаммасига электр қуввати керак. Бу қўшимча электр линиялари тортиш-

ни, янги подстанциялар қуришни талаб этади. Бирок, истеъмолчилар электр ҳақини вақтида тўлаб бормасалар маблаг тақчиллиги туфайли электр таъминотида муаммолар юзага келиши табиий ҳол. Фараз қилайлик. Истеъмолчи бозорга ёки дўконга борди. Аммо ҳамёнида пули йўқ. Бозордаги дехқон картошка, пивз ёки сабзисини текинга берадими? Дўкондор пули йўқ харидорга нарса сотадими? Йўқ, албатта. Шундай экан,

вилояти истеъмолчиларига сифатли электр энергияси етказиб бериш ва ҳақини ундиришда муайян ишлар олиб бормоқда. Шунга қарамай, вилоят туман ва шаҳарларида бир неча мансабдор шахслар электр энергияси ҳақини вақтида тўламаётганлари устига ундан фойдаланиш қоидаларини ҳам бузиб келмоқдалар. Чунки, Зангиота туманида яшовчи "Бунёдкор" спорт майдонининг қўриқлаш бўлими бошлиғи А. Ортиқов электр энергиясидан 384 миң сўм қарзини тўламай келаяпти. Шу тумандаги "Ботир" маҳалласи 29-уйда яшовчи Р. Рихиев суд ижросисига бўла туриб, хонадонини фойдаланган электр қуввати қарзи 913

миң сўмга етган бўлсада, ҳануз бепарво. Шу тумандаги "Шодлик" тўйхонаси раҳбари Ш. Маждов хонадонини электр энергиясидан ҳеч қандай ҳисобга ҳисоб қилинган маълум бўлди. Оҳангарон туманидаги "Голд Керамик" МЧЖнинг электр ҳисоблагич кўрсаткичини текшириш чоғида унинг клемник қопқоғи очилиб, ичига қўшимча мослама ўрнатилгани аниқланди. Ҳурматли истеъмолчилар, электр энергиясидан амалдаги қоидаларга асосан фойдаланишингизни ва фойдаланилган электр энергияси учун тўловларни ўз вақтида амалга оширишингизни сўраймиз. "Тошкент электр тармоқлари" ОАЖ.

Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари

# МАҲАЛЛА ОБОДЛИГИ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

**"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Қонуни қабул қилингани ҳамда маҳаллалар ташкилий асосларини янада такомиллаштириш ва вазифа-**

**лари қўламини кенгайтиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар маҳалла нуфузини оширибгина қолмай, ижтимоий-сиёсий ислохотлар жараёнининг фаол иштирокчисига айланишига хизмат қилмоқда.**

Бугун маҳалла аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, тарбия ва бандликка кўмаклашиш, хусусий бизнес, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни кенг ривожлантириш сингари қатор ҳаётини маҳалла билан изчил шуғулланмоқда. Маҳалла институтига оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар улар фаолиятини ривожлантиришга асос бўлмоқда. Бугун вилоятда 167 та кишлоқ ва шаҳар, 990 та маҳалла, жами 1157 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ишлаб турибди. Улар ўз ваколатлари доирасида қатор ижтимоий-иқтисодий, маърифий ва тарбиявий аҳамиятга эга ишларни амалга оширмоқда.

Ҳудудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, айниқса, кишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш маҳаллаларнинг энг муҳим вазифасига айланган. Шу йилнинг ўзига маҳаллалар ташаббуси ва беvosита иштирокида жойларда 2130 дан ортиқ хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилди ва 42650 дан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

"Меҳрибонлик", "Саховат" ва "Мурувват" уйларидаги 1418 га яқин фуқаро ва тарбияланувчилар, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож 6300 дан ортиқ оила, ёлғиз кексалар ва ногиронларга 120 миллион сўм моддий ёрдам кўрсатилди.

Маърифат маркази ходимлари, етакчи олий ўқув юртлири ўқитувчи ва профессорлари иштирокида ўқув-семинар, суҳбат ва тренинглар ташкил этилмоқда. Хусусан, бу йил 4888 га яқин фуқаролар йиғинлари ҳодимларининг шундай ўқувларда иштироки таъминланди.

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ҳамкор ташкилотлар билан ўтказилган "Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари" кўрик-танловининг 2013 йилги туман, вилоят ва республика босқичида 766 та фуқаролар йиғини фаол иштирок этди. Энг юқори натижага эришган Ангрэн шаҳридаги "Тараққиёт", Пискент туманидаги "Лолаариқ", Зангиота туманидаги "Обод" маҳалла фуқаролар йиғинлари танловнинг махсус дипломи ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Шаҳар ва туманлардаги 990 та маҳалла фуқаролар йиғинларида баркамол авлодни тарбиялашни янада такомиллаштириш мақсадида "Оила-маҳалла-таълим муассасаси" ҳамкорлиги жамоат кенгашилари тўғрисида. Шунингдек, таълим

муассасалари, давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамда ота-оналар билан ҳамкорликда "Ота-оналар университетлари" ташкил этилиб, уларга амалий ва услубий ёрдам кўрсатилмоқда.

– Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида масъулиятли палла бошланмоқда, – дейди фонднинг вилоят бўлими бош мутахассиси Зулхумор Жўраева. – 2013 йилнинг ноябрь ва декабрь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлов бўлиб ўтди. Айна кунларда вилоятимиздаги маҳалла ва ўзини ўзи бошқариш органларида кундалик вазифаларни амалга ошириш билан бирга сайлов кампаниясини ҳар томонлама муваффақиятли ўтказишга қизгин тайёргарлик бошлаб юборилди. Ҳаётимизда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига берилмаётган келгусида уларнинг янада самарали фаолият юритишларига хизмат қилади.

**Юлдузхон МУХИДДИНОВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.**



# КЎНГИЛ КЎТАРМОҚ ҲАМ САВОБ

Кўриш ва эшитиш қобилияти чекланган бўлиб туғилган, шу ҳолда яшаш, уларни қўллаб-қувватловчи ҳақиқати видеолар ҳақидаги маълумотлар намойиш этилди.

Кўриш ва эшитиш қобилияти чекланган бўлиб туғилган, шу ҳолда яшаш, уларни қўллаб-қувватловчи ҳақиқати видеолар ҳақидаги маълумотлар намойиш этилди.

жараёнида қўл келадиган, айниқса, бошқа вилоятликлар билан суҳбатлашиб, дилимиз ярайди.

## «БАРКАМОЛ АВЛОД – ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ПОЙДЕВОРИ»

Яқинда Сеулда бўлиб ўтган семинар ана шундай номланди. Унда Жанубий Корея олий ўқув юртлирида тахсил кўраётган ўзбекистонлик талабалар иштирок этдилар. Тадбир чоғида асосий эътибор Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзининг мазмун-моҳиятига қаратилди.

Давлатимиз раҳбарининг "биз ўз олдимизга қўйган келажаги буюк давлат қуришдек олижаноб мақсадга етиш йўлида мен сизлар каби мард ва шижоатли ёшларимизга, илмуфан чўққиларини эгаллашга бел боғлаган, қийинчилик ва синовлар олдида бош эгмайдиغان, бугун ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлиб майдонга чиқаётган соғлом ва баркамол авлодимизга ишонаман" дея билдирган фикрлари, айниқса, семинар қатнашчиларида катта таассурот қолдирди. Ёш авлод вақилларига қараб айтилган бу сўзлар Ўзбекистон ёшларига илҳом бағишлагани, уларга янада кўпроқ куч-қувват ва шижоат бахш этгани ўз эътирофини топди. Семинарда қайд этилганидек, Ўзбекистонда мустақиллик йиллари давомида истеъдодли ва баркамол ёш авлод шаклланди. Бугун мамлакат аҳолисининг 60 фоиздан ортигини ёшлар ташкил этмоқда. Бу эса, ўз

## Рағбат



## ҒАНИМАТ КУНЛАР, ҒАНИМАТ ДАМЛАР

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси ҳар жабҳада фаол аёлларни Юртбошимиз таъбири билан айтганда, "инсон кўнглини мунаввер этувчи, нафақат оиласи, балки бутун жамиятга аҳиллик, тотувлик, меҳр-оқибат бағишловчи" зотларни қўллаб-қувватлаш, маънавий-моддий рағбатдан баҳраманд этишдек шарофтли бурчини мунтазам адо этиб келмоқда.

Фахрий ёрлик ва совғаларни тарғиб қилишга қўшни раҳбар экан, Бош вазир ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Мира Боситхонова, вилоят ҳокими Аҳмадjon Усмонов уларга мустақкам соғлиқ, оилавий бахт ва барча ишларида омад тилади.

**Сайёра РАҲМОНОВА, Даврон АҲМАД олган сурат.**

## САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК ЖАРАЁНИ ҚИЗГИН КЕЧАЯПТИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2013 йил 12 сентябрдаги "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда унинг ўтказиш тўғрисида"ги қарорига асосан жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида мамлакатимизда ўтказиладиган фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига Тошкент вилоятда ҳам қизгин ҳозирлик кўрилмақда.

Бўлажак сайловларда вилоят бўйича 1157 нафар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг 11 миң нафардан зиёд маслаҳатчиси сайлашни режа-лаштиришмоқда. Мазкур жараёни ушшоқлик билан ўтказиш мақсадида Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси томонидан қатор тадбирлар, хусусан, масъулиятли вазифага бўлиб-этиборли ва ҳар томонлама муносиб номзодлар кўрсатилишини таъминлаш учун жойларда турли даража суҳбатлари ва учрашувлар ташкил этилмоқда.

Ҳалла институтининг жамиятимиздаги ўрни тобора мустақкамлашиб бормоқда, – дейди Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси раиси, вилоят Кенгаши депутати Баҳодир Тоғаев. – "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да маҳаллалар нуфузини янада ошириш, унинг ташкилий асосларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилгани ҳам ўзини ўзи бошқариш органларига кўрсатилмаётган алоҳида эътибор намунаси-дир.

**Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ма-**

**"Туркистон-пресс".**

## Хўжасизлик

# ЧИПТАЧИ ЎРНИДА... СОМСАЧИ?!

Тўйтепа шаҳар автошоҳбekaтидаги ху-нук манзаралар энг оғиркарвон ва ваз-мин одамни ҳам хуноб қилади. Уларни кўриб, беихтиёр ёқа ушлайсиз.



Шоҳбекат эгалари 500 квадрат метр жойни ижарага бериб юборган. Шошиб турганнингизда керакли йўналишдаги автобусларни учратолмайсиз. Автобуслар учун ажратилган худудларда "Турнув" китоб дўкони, "Муҳаммадхожаев" сартарошхонаси, "Биллурфармишо", "Мумтозмаҳал Дониёр", "Салматов" хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият юритишмоқда. "Давртранссервис", "Русланбектранссервис", "Нафисатрансгруп" каби фирмалар тузилмалар кўп, ammo сервис хизмати туғул атраф орасталлигига ҳам дуруст-роқ эътибор берилмайдиган.

Шоҳбекат раҳбар ўринбосари Ҳасан Ерматовни саволга тутди. – Бу ерда 5 йилдан бери ишлайман, – деди у. – 8 кишилик жамоамиз бор. Ҳозир шоҳбекат молиявий томондан ўзини-ўзи қоптолмайпти. Шунинг учун худудни ижарага бериб юборялмиз.

Сўбатдошимиздан "Она ва бола хонаси" қаердалигини сўраганимизда, уни кўрсатолмади, "Калит қоровулда эди-я" деган бахонани рўқач қилди. Шоҳбекатда қандай йўналишлар борлиги, автобуслар қайси вақтларда ҳаракатланиши, чипталар нархи қўрсатилган маълумотлар тахтасини тополмадик. Наҳотки, шу ишларни жой-жойига қўйиш кераклиги 5 йилдан бери ўринбо-

сар бўлиб ишлаётган Ҳасан Ерматовнинг хаёлига келмайдийкин?! Ҳозир шоҳбекатдаги автобуслар "Тўйтепа-Олмалик", "Бурғали-Кўйлик-Тўйтепа", "Тўйтепа-Амир Темур", "Тўйтепа-Красногорск" йўналишлари бўйича қатнаяпти. Лекин уларда йўловчиларга хизмат кўрсатиш савияси ҳаминқадир. Автошоҳбекат туман ҳокимлигининг ёнгинасида. Хўш, ҳокимликдагиларнинг нега бу манзаралар кўзлари тушмадики? Ёки улар ишга бошқа йўлдан келиб-кетишармикин?! Туман санитария-эпидемиология назорати бўлимдагиларчи? Улар қаёққа қарашаяпти? Бу ҳақда улардан жавоб кутиб қоламиз.

**Хуришда ТУРСУНОЕВА, Даврон АҲМАД (суратлар), "Тошкент ҳақиқати" муҳбирлари.**

қариш ҳажмини янада ошириш ва турларини кўпайтиришда муҳим омили бўлмоқда. Бу жараёнга хорижий инвестициялар жалб қилиниб, қўллаб-қувватлаш билан муваффақиятли иш юритиш-шимизда муҳим омили бўлмоқда. Минжозаримиз сафида меъбел ишлаб чиқаришга ихтисослашган цехлар, хусусий тадбиркорлар кўп. Мамлакатимизда ўтказиладиган нуфузли кўргазмалар, санат ярмаркалари ва кооперация биржаларида иштирок этиш буюртмачилиримиз сафини янада кенгайтириши, янги ҳамкорлар топишимизга хизмат қилмоқда.

## «FAYZ WOOD GROUP» МАҲСУЛОТЛАРИ – БИНОЛАР ФАЙЗИ

Пойтахтимизда фаолият юритаётган "Fayz Wood Group" Ўзбекистон -Латвия қўшма корхонаси – улардан бири.

Замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхонада турли ўлчамдаги пол тахталари, паркетлар, рейкалар ва бошқа ёғоч маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётган. Бунда махсус камераларда қуритилган ва сайқаланган, қарагай, арча, ёнғоқ, чинор ва заранг каби дархатлар ёғочидан кенг фойдаланилади. Корхона маҳсулотлари сифат сертификатларига эга, ISO 9001:2000 халқаро стандартига мос.

Юқори сифатли хом ашё, замонавий санат дастгоҳлари ва жамоанинг ишга бўлган юксак масъулияти самарасида "Fayz Wood Group" қисқа муддатда мамлакатимиздаги етакчи корхоналардан бирига айланган. Корхонада ишлаб чиқариш кўламини йил сайин кенгайтириб, маҳсулотлар тури муттасил кўпайиб бораётган. Жумладан, 2012 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бир миллиард сўмдан ошган бўлса, жорий йилнинг шу даврига қадар бу кўрсат-

кич ўттиз фоиз ўсди. Корхонада меҳнат қилаётган етмишга яқин ишчи учун барча зарур меҳнат ва дам олиш шароити яратилган. Уларнинг касб маҳорати ва малакасини ошириш мақсадида махсус курслар ташкил қилинган. Ишлаб чиқариш жараёнида чет эллик мутахассислар ҳам жалб этилаётган.

Саноат касб-хунар коллежини туғатиб, ушбу корхонага ишга жойлаш-дим, – дейди Денис Сакмаркин. – Аввалога бир неча ой ишлаб чиқариш жараёнини ўзлаштириш бўйича сабоқ олдим, сўнг дастгоҳ оператори лавозимига тайинландим. Корхонамизда, биз, ишчилар учун барча шароит яратилган. Мана шундай нуфузли ва замонавий корхонада ишлаётганимдан жуда мамнуним.

**Ирода УМАРОВА, Ўза муҳбири.**

## Балиқчилик

# ЛУҚМАЙ ҲАЛОЛНИНГ ТУРИ КЎП

Мамлакатимизда бўлганидек, вилоятимизда ҳам балиқчиликни ривожлантириш, аҳолини арзон, балиқ ва балиқ маҳсулотлари билан таъминлаш ҳаракати тобора кенг қулоч ёймоқда. Жумладан, бизнинг минтақавий балиқ чавоқлари кўпайтирилган ҳавза республикамиздаги балиқчилик ҳўжаликлари билан шуғулланиш истигади янги ташкил этилаётган фермер ҳўжаликлари балиқ чавоқлари етиштириб бериш билан шуғулланади.

Ҳўжалигимиз тасарруфиди 250 гектар сув ҳавзалари бўлиб, балиқ ва балиқ чавоқлари алоҳида мослашган ҳавзаларда мавсумга қараб озиклантириб, эътибор билан парваришланади. Ўтган йили балиқчилик ҳўжаликлари 3 миллиондан ортиқ балиқ чавоқлари етказиб берган бўлса, бу йил 3,5 миллиондан ортиқ кўтилмоқда. Тажриба ҳўжалигининг қошида ташкил этилган лаборатория замонавий жиҳозлар билан таъминлангани балиқ ва балиқ чавоқлари устиди олиб берилаётган тажриба ишларимизда қўл келаяпти.

Давримиз шиддатли. Ҳар бир кунимиз, ҳар бир соҳа янгиликлар яратишни талаб этаяпти. Биз ҳам соҳамизда янгилик яратиш, аҳолига янада сифатли ҳамда тансиқ балиқ турларини етказиб бериш устиди изланишимиз. Ҳозир Ўзбекистон балиқчиликни ривожлантириш илмий-тадқиқот маркази ходимлари билан ҳамкорликда япон қоя балиги, оқ амур, зогора, оқ дўнгпешона, вьетнам лаққабалиги, рус осётри, сазан балиқларини бизнинг шароитга мослаштириш ва кўпайтириш устиди иш олиб борялмиз.

**Зоир САИДОВ, Янгийўл туманидаги минтақавий балиқчилик ҳавзаси тажриба ҳўжалиги раҳбари.**

Маънавият

ЭҲСОН ВА ИСРОФ

Барча халқларнинг миллий ҳаёт тарзига мос тую маросимлари бор. Бундай тадбирлар жараёнида ўша миллат ва элнинг урф-одатлари,

ўзига хос маънавияти шаклланиб, тақомиллашиб боради. Ушбу маросимлар айниқса ёшлар тарбиясига ниҳоятда кучли таъсир кўрсатади.

Тинч ва фаровон ҳаёт кечириётган бизнинг халқимизда қувончли кунлар янада кўпроқ. Тўйлар қадимдан улуглини келинаётган шундай аjoyиб урф-одатларимиз чўққисидир. Айниқса, никоҳ ва ақика тўйлари катта шодонага айланади. Бундан ташқари, Аллоҳнинг розилигини топиш ва ўтганларни хотирлаш мақсадида қилинадиган кўплаб маросимларимиз бор.



бор бериш лозим.

Кўпчилик кунларимиз, тўйларимиз тўқчилик ва фаровонликнинг белгисидир. Аммо шу тўйларимизда баъзи бир хунук иллатларнинг давом этаётгани жуда ачинарли ҳол. Масалан, айрим тўй-ҳашамлар жуда нахорги ошларда дастурхонга спиртли ичимликлар қўйиш ҳоллари учраб турибди.

аралаштириб, дастурхонга қўямиз. Тўйларимизда ёши улуг боболаримиз оила қураётган йигит-қизларни, тўй болаларни униб-ўссин деб чиройли дуои фотиҳалар қилишди. Дастурхонларимизда ҳаром қилинган нарсани турса дуоларимиз қабул бўлармикан? Бу ҳақда яхшилаб ўйлаб, мушоҳада қилиб кўрайлик.

Муқаддас динимизда маст қилувчи нарсалар қаттиқ қораланади. Бу ҳақда жуда кўп оят ва Ҳадисларда етарлича маълумот берилган. Уларда барча ёмонликларнинг асоси ичкиликбозликдан деб алоҳида таъкидланади. Шундай экан, нега энди Аллоҳ ҳаром қилган нарсани халол мекхатлар эвазига топган ризқимизга

Хуллас, тўй-маъракаларимизни ихчам, ортиқча исрофгарчиликсиз, дабдбасиз, зарарли иллатларсиз ўтказишга ҳаракат қилайлик. Бу борада меъёрдан чиқиб кетмаган ҳолда оқилона йўл тутсак, ўзимизга ҳам, жамиятга ҳам фойда келтирган бўламиз. Раҳмонберди ЭРКАЕВ, Бекобод туманидаги "Туркман" жоме масжиди ноиб.

Тиббий кўрик

СПОРТ – СОҒЛИК ГАРОВИ

Зангиота тумани тиббиёт бирлашмаси бош шифокори ўринбосари Олимжон Исҳоқов яхши таъабус кўрсатади. Унинг саъй-ҳаракати билан спорт машғулотларида мунтазам қатнашаётган туман ёшлари тиббий кўрикдан ўтказилди.

ташқил этилган бир ҳафталик кўрикда ёшлар тўлиқ текширилди. Шуниси қувонарлики, шифокорлар бирор болада ҳам жиддий касалликни аниқлашмади. Спорт нафақат галаба, кўша-кўша медаллар нашидаси, қолаверса, соғлиқ гарови ҳамдир. Руджона СОЛИЕВА.

Тошкент воҳаси: афсона ва ҳақиқат

Табиий маъданларга жуда бой беҳисоб конлар бутун Тошкент воҳаси ҳудудида ястаниб ётибди. Биз Қизиллола ва Тункуннинг ноёб конлари – Имлоқ, Шовғоз, Кумушкон ҳақида аввал ҳикоя қилиб берганмиз. Оҳангарон воҳасининг бепоён кенгликларидан макон тутган кўҳна Илоқ давлатининг сирли олами ўзининг янги-янги тилсимлари билан бизни ҳайратга солишда да-

вом этиб, ўтмишдаги аждодларимизнинг қибеси йўқ ҳаёт тарзларини авлодларга мерос қолдирган ноёб тарихий ёдгорликларни тақдим қилмоқда. Ушбу қимматли ўтмиш мерослари бир пайтлар қудратли бўлган Оҳангарон дарёси соҳилларида шон-шувратли шахрлар ва уларнинг жасур, жўмард халқлари ҳақида ҳикоя қилади.

бўлиб топишди ва Юрий Буряков ҳамда "Олтин мерос" фондига ҳабар етказишди.

Илгари биз Қорихона ҳақида ҳикоя қилган эдик. Мана энди Тоғбердида топилган ер ости қасри (ибодатхона) ҳам Қорихонага бир томчи сувдек ўқшайди. Гўё эғизлардек.

Шарқий-Қурама геология-қидирув хизмати ушбу ноёб тарихий ёдгорлик атрофидаги ишларни тўхтатиб, унинг кўриқлини таъминлапти. Бироқ шунга қарамай, биз унинг тақдирини ҳусусида жуда ҳавотирдамиз. Зеро, қазиб очилган кириш йўлаги деворларида қандайдир кимсалар фарз ниятда изларини қолдиришга улгуришди. Афтдан, ҳазина излашган кўринади.

Бундай эгри мақсадли кимсалар шунинг унутмасинларки, бу ноёб қадимий қаср Қоракхонийлар даври, балки ундан ҳам аввалги замонларда ҳам мавжуд бўлган. Демак, бизнинг бурчимиз – уни қандай бўлса шундайлигича асраш.

Олдинда ёдгорликни синчковлик билан ўрганишдек тарихга дахлдор муҳим вазифа турибди. Юрий Буряков бу ерда ўз жамоаси билан иш олиб боради. Биз эса, экспедиция то ҳайрли вазифасини муваффақиятли адо этгунча, қўлимиздан келган барча ишни қилишимиз зарур.

Ҳақат майда-чуйда тафсилотларига тўлиқ ўрганиб чиқилганидан сўнггина археологлар ушбу ноёб ер ости қасри ҳусусида аниқ сўзни айтдилар. Демак, энг муҳим ва нозик ишлар ҳали олдинда.

Юқорида таъкидлаганимиздек, кўҳна Илоқ тилсимларини бирма-бир очишда давом этмоқда. Ушбу қадимий замин бизга ишонаяпти. Бу ишончини тўғри тушунишимиз, бажонидил қабул қилишимиз ва, албатта, оқлашимиз зарур. Зеро, биз она заминимиз ҳусусидаги кўҳна билимларни келажакка элтувчи авлодларимиз.

Зарифа ЭШМИРЗАЕВА, халқаро "Олтин мерос" ҳайрия фонди вилоят бошқармаси бошлиғи.

КЎҲНА КОНЛАР СИРИ



Республика Фанлар академияси, "Олтин мерос" фонди вилоят бошқармаси, Шарқий-Қурама геология-қидирув хизмати вақилларида иборат кичик бир гуруҳ мутахассислар яқинда қадимий Кўшбулоқ кони ҳудудида бўлдилар. Оҳангарон дарёси сўл irmoғидаги Гўшсой таркибига кирувчи Кўшбулоқсой бўйлаб ястанган ушбу конни 1962 ва 1966-йилларда Чотқол-Қурама археология отряди Юрий Буряков бошчилигида ўрганган эди. Ушанда геологлар ҳам археологларга ёрдам беришганди.

Кўшбулоқ кони қиялатиб қавланган кўплаб ер ости йўли ва тик қавланган, чуқурлиги 80 метрдан зиёд қудуқлардан иборат. Қўлдан ўтказилган майдонлар 3 километргача боради. Қазилган руда таркибиде олтин бор. Кон эраимиздан аввалги биринчи асрларда ишга тушиб, эраимизнинг XII асригача фаолият кўрсатган. Бу ерда, айниқса эраимизнинг IX-XII асрларида кон ишлари қизгин паллага кўтарилган.

Юрий Буряков 50 йил бурун шу ерда иш олиб борди. Мана, ордан ярим аср ўтиб, бу ерга яна қайтиб келди. Бизнинг у билан маданий меросимизни асраш соҳасидаги ҳамкорлигимиз 35 йилдан буён қизгин давом этмоқда. Бугун биз орамиздан кетган кўплаб устозларимиз хотирасини яна ва яна ёдга оламиз. Уларнинг порлоқ хотиралари ушбу заҳматкаш, фидойи инсонларни таниган кишилар, шунингдек, кўплаб тоғли кишлоқ одамлари қалбига абадий муҳралиган, демак улар ҳамон яшамокдалар.

Кўшбулоқ ҳудудида бу галги таширфимизга шов-шувли ноёб топила сабаб бўлди. Кўшбулоқ

олтин қонига алоқадор қончилар яшаган маскан бўлиши Тоғберди участкасида бульдозер баланд дўнгликни суриб, текислаётганда, ер ости маданий иншооти очилиб қолди. Тепалик ичкарига олиб кирувчи йессай йилла яққол кўринди.

Олмалик кон-металлургия комбинатининг Шарқий-Қурама геология-қидирув бўлими транспорт билан таъминлади ва 40 йиллик иш тажрибасига эга геолог Абдумалик

Раззоқов бизга ҳамроҳлик қилди. У Оҳангарон водийсининг кўплаб қишлоқлари тарихини яхши билади. Она замин табиғатида чуқур меҳр қўйган, толмас заҳматкаш, сарғузашлар ишқибози бўлган бу фидойи инсон Ангрэн қиёғидаги қишлоқлардан бирининг тарихига бағишланган "Корабоғ" китобининг муаллифи. Кўшбулоқдаги ер ости қасрини ҳам айнан Абдумалик Раззоқов билан археолог Константин Крахмаль биринчи

ЭЪЛОНЛАР

Advertisement for MATBUOT (Matsuburo) real estate services, listing various branches and contact information.

Advertisement for REALTOR GARANT BUSINESS, offering real estate services and auctions.

Advertisement for Agro Sanoat Mulk Markazi, providing information on land auctions and real estate services.

Advertisement for KELAЖK (Kelaжk) real estate services, offering mortgage and property management.

Advertisement for Zamonaviy kurilish mollari va YUQORI SIFATLI UY ESHIKLARINI OCHING!, offering modern construction services.

Advertisement for Marxamat, murojaat qilting! (Marxamat, please apply!), offering various services.

Advertisement for BEKOR KILINADI, offering various services and real estate.

Advertisement for BEKOR KILINADI, offering various services and real estate.

Ҳаёт сабоқлари

Хайит яқинлашгани сайин Баҳром асабийлашар, хотинининг хархашаси ҳам кўпайган...

«УЙИМНИ ТОПДИМ, БОЛАМ»

ой ҳам бўлмади. Тадбиркорлигидан тушган барча даромадини шунга сарфлади. Мана энди хайит...

эмис. Юрaverибди, юрaverибди, бир пайт олдинда кимнингдир қораси кўринибди...

оқасининг оёқларида аранг илиниб турарди. Баҳром галати бўлиб кетибди...

ратчи китобини арақлаб, қандайдир раҳамни топди-да, Баҳромни саноксиз қадрлар оралатиб эргаштириб кетди...

Назоратчи билан маслаҳатлашиб, қабрнинг устини иккига бўлдиришди ва унга кўрсаткич тақтаси ясаптириш учун кетди...

Халқаро ярмарка



ГОЛИБЛАРГА ДИПЛОМЛАР ТОПШИРИЛДИ

"Ипак йўлида туризм" XIX Тошкент халқаро ярмаркаси доирасида энг яхши широкчиликларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

ТХТЯ-2013 якунларига кўра, ярмарка ташкилотчилари томонидан таъсис этилган номинациялар голибларига дипломлар топширилди.

Тошкент шаҳридаги "Lotte City Hotel Tashkent Palace" меҳмонхонаси "Энг яхши стейнд дизайни" эътирофини қозонди.

Футбол



ЎСМИРЛАРИМИЗ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА

Маълумки, шу йил 17 октябрдан 8 ноябрга қадар Бирлашган Араб Амирликлари яшил майдонларида ўсмирлар (U-17) ўртасида навбатдаги жаҳон биринчилигининг финал қисми бўлиб ўтди.

Мазакур мусобақаларда дунёнинг турли қитъаларидан келган 24 та энг кучли жамоа голиблик учун кураш олиб борди.

Бош мураббий Дилшод Нуралиев раҳбарлигидаги терма жамоа аъзолари чемпионатга тайёргарликка сентябрь ойи бошларида киришдилар.

Дастлаб Австрияда йўлнинг ўтказилди. Кейин эса футболчиларимиз Испаниянинг Марбелья шаҳрида ташкил этилган халқаро турнирда иштирок этдилар.

Бу мусобақада вакиллариимиз Кот д'Ивуар, Мексика, Аргентина жамоалари билан баҳс олиб боришди.

Дастлаб ёш футболчиларимиз африкалик тенгдошлари билан дуранг ўйнаган (0:0) бўлишга, мексикаликлар билан уйда эса 0:2 ҳисобида мағлубиятга учрашди.

Марадона юртдошлари ҳам ҳамюртларимиздан устун келдилар - 3:0. Албатта, бундай натижалар унчалик қувонарли эмас.

Аммо тегишли хулосалар чиқарилса ва жамоа ўйин услубига зарур ўзгаришлар киритилса, техник ва тактик тайёргарлик янада кучайтирилса, кейинги учрашуларда футболчиларимиз кучлироқ салоҳиятга эга бўлишлари мумкин.

Ўзбекистон терма жамоаси иштироқ этадиган "С" гуруҳидаги баҳслар Фужейра шаҳрида бўлиб ўтди.

Дилшод Нуралиев шогирдлари дастлабки ўйинни 18 октябрь кuni Панамага қарши ўтказдилар.

Кейинги учрашулар эса Марокаш (21 октябрь) ва Хорватия (24 октябрь) билан бўлади.

Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси бош мураббийининг фикрича, мазкур гуруҳда катта устунликка эга жамоа йўқ.

Уларнинг кучи деярли тенг. Демак, футболчиларимиз астойдил ҳаракат қилсалар, гуруҳдан чиқа олишади.

Уларга барча муҳлислар номидан муваффақият тилаймиз!

Нурбек АБДУЛЛАЕВ, "Туркистон-пресс".

Мулоҳаза учун мавзу

МУЗҚАЙМОҚНИНГ ЎЗБЕКЧАСИ БОРМИ?

Жиянларимни музқаймоқ билан сийламоқчи бўлдим. Дўкон ёнига борганимизда, улардан қайси бирини танлайми, деб сўрадим.



Ўзбекча номланган музқаймоқ егим келиб қолди. 4 метрли музлаткичи қанча кидирмай, бирорта ҳам топа олмадим.

Сотувчи ҳам елка қисидан нарига ўтмади. Қизиқ, мамлакатимизга музқаймоқлар фақат чет эллардан келтириляптими?

Ўзимизда музқаймоқ ишлаб чиқарувчилар йўқми? Жиянларим қўлидаги музқаймоқларнинг ўрамашига кўз югуртириб чиқдим.

Ана холос, уларнинг баъри ўзимизда чиқарилаётган экан. Ишлаб чиқарувчилар орасида вилоятимиз тадбиркорлари ҳам талайгина.

Шу масала билан бир қизиқиб кўргим келди. "Имкон-плос" корхонаси ҳақида эшитган бўлсангиз керак.

Қўрай тўғонданги бери корхона 2000 йилдан бери музқаймоқ ишлаб чиқармоқда.

ланишига гап йўқ. Номлари эса алламбало: "Карнет", "Макси", "Супер Вива", "Best", "Big", "Имкон-хит"...

Корхона ишлаб чиқарадиган шоколадларнинг ўзбекча номдигиларини топиш амри маҳол.

"Choka-gold", "Choka-milk"... Рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига қарамай, нега корхона раҳбарлари музқаймоқларнинг ўзбекча номдигиларини топиш амри маҳол.

Биз шу савол билан корхона иш юритувчиси Хусниддин Тўлагановга мурожаат қилдик.

Музқаймоқларимизни ўзбекча номласангиз мижозлар сифатсиз бўлса керак, деб меншимайди! - деди у.

Махсулотларимиз ўтмай қолса, зарар кўрамиз-ку! Унинг бу гапига жавобан нима дейишни билмай қолдик.

Назаримизда, ўзбек тилимизни истевомалчилар эмас, ўзлари менсимайдиганга ўхшайдилар.

Зангиота туманидаги "Singapore-Samagand" корхонаси махсулотлари ҳам "Royal Fruits", "Super twist", "Vega" каби маъно-мазмунуни бир ўқишда сизу сўзлар тушунарсиз бўлган сўзлар билан номланган.

Ангрен шаҳри Нуричлар кўчасидаги "Standard WEB" масъулияти чекланган жа...

қариб қолишга эришилди. Қолган 9 киши бедарак йўқолган ҳисобланмоқда.

Денгизбўйи туманларида энергия таъминоти издан чиқди. Ҳақзаън вилаетида 250 миңдан зиёд уй чироксиз қолди.

Ҳуқумат электр тармоқларини таъмирлаш учун 10 миңга яқин мутахассисларни юборди.

Айни пайтда сув омборларининг тўлиб-тошиб кетганлиги минтақага кучли хавф солмоқда.

Тўғонларни тиклаш ва мустаҳкамлаш учун ҳарбийлар, маҳаллий аҳоли сафарбар қилинди.

Бир қатор тоғли худудларда сел келиши ва ер қучқилари қайд этилди.

Тўғон Ҳақзаън вилаетига умумий ҳисобда 2 миллиард доллар атрофида иқтисодий зарар етказди, миллионлаб кишилар жабр кўрди.

Экология

Дарҳақиқат, ўрмонлар миллий табиий бойлигимиз бўлиши баробарида экологик мувозанатни барқарорлаштирувчи асосий омиллардан бири ҳамдир.

ТАБИАТ МУҲИТИНИ АСРАШ ЙЎЛИДА

Ўртимизда тирикчилигимиз манбаи бўлган ксилород ва шу билан бирга мўл даромад манбаи бўлган ўрмонлар кўп.

Бўстонлик туманининг Хумсон ва Сиж-жақ қишлоқ фуқаролар йиғини худудидидаги туман давлат захирасига қайтарилган ерларда янги ўрмонзорлар бунёд этиш, жарликлар кенгайтиришни тўхтатиш, ишчи ўрмонзорлари барпо қилиш ва қўқалам-зорлаштириш учун 2104,8 гектар ер майдони Бурчмулла ўрмон ҳўжалигига ажра-

Жиноятга жазо муқаррар

ЭЪТИҚОДИ ЗАИФЛАР

Мамлакатимизда истиқлол йилларида барча соҳалар қатори диний хабҳада ҳам тўб ислохотлар амалга оширилди.

Бизнингча, киши ўзи эътиқод қилаётган дин ҳақида етарли тасавуруга эга бўлиши, муқаддас китобларда қайд этилганидек, диний ва дунёвий билимларни бирдек ўқинатириши, бири қолдиб иккинчисига муккасидан кетмаслиги керак.

Тўғри, музқаймоқ ишлаб чиқараётган корхона раҳбарлари ва тадбиркорлар мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга муносив хисса қўишига ҳаракат қилишяпти.

Лектин бу ўзбек тилини оёқ ости қилишига эришмаслиги керак. Улар буюк бобомиз Алишер Навоийнинг "Тилга ихтиёрсиз - элга эътиборсиз" деган сўзларида нақадар чуқур ҳаётий ҳақиқат мўжассам эканини ёдга олсалар фойдадан холи бўлмасди.

Дарвоқе, шу кунги жиянларим обдон яйрашди-ю, бироқ ўзим, ватанпарварлигим тутиб, музқаймоқ емай қайтдим.

Хуришда НАЗАРОВА.

оиласи, Ватанига нафи тегадиган, маънавий ва ахлоқий фазилатлари билан фарзандларига намуна бўладиган, тоғни урса талқон қилдиган ёшида панжага ортага равона бўлишди...

Ваҳо-ланки, улар олий маълумотга эга. Ҳаётининг оғир-енглигини озми-кўпми кўришган...

Шу ўринда савол туғилди. Наҳотки, Р. Мажидов, Э. Рўзиев олий маълумотли бўла туриб, оқни қорадан ажратолмади?

Танлаган йўлларининг охири волиғини олдиндан сезишмади? Жавоби оддий. Улар олий ўқув юртида хўжақўрсинга ўқишган.

Шунинг учун бозорда қайвочликни ўзларига касб қилишган.

Бу "азаматлар" Рустам Бегалиевдек доим сувдан қуруқ чиқшига одатланган, турли жиноятларда айбдор саналиб, расий кидирувдан юрган кишига ўлжа бўдилар.

У ўзининг ёлгон нағма-ларига уларни ишонтирди, кўйиларини пуч ёнғоққа тўлдирди.

Шу тариха жамиятимизда ўрнатилган қатъий тартиб қондаларини менсимай, яширин тарзда тузилиб, фаолият юритаётган диний ташкилотнинг гайриқонуний гоё ва қарашларини аҳоли орасида тарғиб қилишда улардан фойдаланди.

Дастлаб йигитларга мазкур ташкилотнинг мақсад ва вазифаларини тўла тушунтириши керак бўлди.

Бунинг учун тинч, қўздан пана жой бўлса бас. Бегалиев гоҳ ҳамтовокларининг ўйлариди, гоҳ Тошкент шаҳридаги қойхона ва кафедаларининг алоҳида хоналарида йиғин ташкиллаштириб, диний мавзуддаги нутқлари билан уларнинг онгини захарлаб борди.

Тергов натижаларига кўра, қинғир ишининг қийғиб тез орада чиқшини сезган Рустам Бегалиев Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрига "куён" бўлган. Унинг "хамфикр"лари эса энди эътиборсизликларга кўйиларини пуч ёнғоққа тўлдирди.

Шу тариха жамиятимизда ўрнатилган қатъий тартиб қондаларини менсимай, яширин тарзда тузилиб, фаолият юритаётган диний ташкилотнинг гайриқонуний гоё ва қарашларини аҳоли орасида тарғиб қилишда улардан фойдаланди.

Дастлаб йигитларга мазкур ташкилотнинг мақсад ва вазифаларини тўла тушунтириши керак бўлди.

Бунинг учун тинч, қўздан пана жой бўлса бас. Бегалиев гоҳ ҳамтовокларининг ўйлариди, гоҳ Тошкент шаҳридаги қойхона ва кафедаларининг алоҳида хоналарида йиғин ташкиллаштириб, диний мавзуддаги нутқлари билан уларнинг онгини захарлаб борди.

Тергов натижаларига кўра, қинғир ишининг қийғиб тез орада чиқшини сезган Рустам Бегалиев Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрига "куён" бўлган. Унинг "хамфикр"лари эса энди эътиборсизликларга кўйиларини пуч ёнғоққа тўлдирди.

Манзура БЕКЧОНОВА, "Туркистон-пресс".

XXI аср ва ДУНЁ

ТУҒОНДАН 2 МИЛЛАРД ДОЛЛАР ЗАРАР

Шарқий Хитойда хуруж қилган "Фитю" тўғони 11 кишининг ҳаётига зомин бўлди, 15 киши бедарак йўқолгани эълон қилинди.



Ҳақзаън вилаетининг Юйяо шаҳри кўчаларида оқётган сувнинг баландлиги бир метрдан ошди.


Бу ерда давлат муассасалари ҳамда корхоналар иши тўхтаб қолди, мактаблар ёпиб қўйилди.

Цзянь вилаети соҳилларида кучли шамол ва сув тўқинларини баликчилик кема-сини ағдариб юборди.

ИТАР-ТАСС маҳаллий оммавий ахборот воситалари маълумотларига таяниб хабар қилишича, фақат бир балиқчини кут-

СУЙҚАСД ФОШ ЭТИЛДИ

Неонацист "Миллий-социал яширин ташкилот" гуруҳи аъзолари ГФР собиқ канцлери Герхард Шрёдерга қарши суйқасд уюштиришни режалаштирган эдилар.



Суйқасдга оид режа 2011 йилга хана жиноятчилар яшаган уй тинтув қилинганда топилиб, судга тақдим этилди.

Материаллар орасида 2002 йилда тайёрланган фотоколлаж ҳам бор эди.

Ушбу расмда канцлер Шрёдер қамқоқхона панжараси ортида тасвирланган бўлиб, унинг кўксига сариқ рангдаги юлдузча бор.

Бундай юлдузчи нацистлар даврида яхдуйлар тақиб юриши лозим эди.

Коллаж остида инглиз тилида шундай сўзлар битилганди: "Сен навбатдагисан".

Афтидан, кейинчалик жиноятчилар канцлери ўлдириш гоёсидан воз кечишиб, асосий эътиборни оддий мухожирларга қаратишган.

КЎРБОНЛАР УЧ ҚОЗ КИШИДАН ОШДИ

Италиянинг Лампедуза ороли соҳили яқинида ҳалокатга учраган кема қўрбонлари 300 кишидан ошди.


Еврокомиссия бошлиғи Жозе Мануэл Баррозу ва Италия вазирлар маҳкамаси раиси Энрико Летта ҳалок бўлган африкаликлар хотирасига ҳурмат бажо келтириш мақсадида Лампедуза оролида бўлишди.

Бирок, орол аҳолиси ушбу сийсатчиларини норозилик акцияси билан қарши олди.

Италиянинг "Република" газетасининг ёзишича, ороликликлар қочоқлар оқими тобора кўпайиб бораётгани то ҳукумат жиддий чоралар

СЕРБИЯ БОШ ВАЗИРИГА ТАҲДИД

Сербия бош вазири Ивица Дачич унинг оиласи ва фарзандларига таҳдид қилинаётганидан огоҳ этилди.



Полиция таҳдидчининг шахсини аниқлашга улгурди, бироқ, у хали ҳибсга олингани йўқ.

Бош вазир ўз яқинлари тақдирдан хавфсизраётганини яширмади. Бироқ, шахсан ўзига қаратилган

ТАҲДИДДА ЗАРРАЧА ЧЎЧИМАТГАНИНИ АЙТДИ

Зеро, Сербия раҳбарларига нисбатан бу биринчи таҳдид эмас.

Жумладан, шу йил апрель ойида Дачич ҳамда вице-премьер Александар Вучичнинг мобил телефонларига "бир ёқлик қилиш" ҳақида кўплаб SMS юборилган эди.

ИНТЕРНЕТ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

TOHKENT HAQIQATI. Boш муҳаррир: Абдушохидов. Манзил: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Телефонлар: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85. Кабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85. Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08. Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59. Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Белгилли материаллар - тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмаҳонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи - 205. Босишга топшириш вақти - 20.00. Босишга топширилди - 20.10.